

ЯНГИ ДАВР ФОРС ШЕЪРИЯТИДА ЖАНРЛАР ТИПОЛОГИЯСИ

ЮСУПОВА НАФИСА

Ўқитувчи, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар Академияси

Аннотация. Мақолада янги форс шеъриятининг мумтоз жанрлар билан ўхшаш ва фарқли томонлари, шунингдек, йиллар давомида юзага келган янгиланишлар тадқиқ этилади. Мумтоз жанрларнинг янги қиёфада намоён бўлишига қарамай асл моҳиятини сақлаб қолганлиги ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўз ва иборалар: мумтоз ва замонавий форс шеърияти, қасида, ғазал, маснавий, рубоий, анъанавий шеърият, услуб ва йўналишлар.

Аннотация. В статье речь идет о схожести и различии новой персидской поэзии с ее классическими жанрами, а также сохранении оригинальности мысли классического жанра, несмотря на его представления в новом виде.

Опорные слова и выражения: современная и классическая поэзия, ода, газель, маснави, рубаи, традиционная поэзия, стиль и направления.

Abstract. In this article, it is investigated genres and differences of modern Persian poetry, as well as its changes in the period of years. It is said that it has preserved its original main point, although the classic genres appear its new figures.

Keywords and expressions: Persian classic and modern poetry, ode, gazal, masnavi, rubai, traditional poetry, style and tendency.

Форс шеърияти кўп асрлар давомида қасида, ғазал, рубоий, қитъа, муфрадот, мусаммат, маснавий, таржибанд ва таркиббанд, мустазад каби классик жанрларда яратилган асарлар билан жаҳон адабиёт аҳлининг эътиборига тушган. Мазкур жанрларнинг айримлари мазмунан замонавий форс шеъриятига ўзлашди, аммо шаклан ўз қонуниятларини сақлаб қолди.

Рус шарқшуноси М.Д. Кязимовнинг таъкидлашича, инқилобдан кейинги давр адабиётида мумтоз жанрлардан ғазал, қасида, рубоий ва дубайтий ўз мавқеини йўқотмади ва ҳозирда ҳам бу жанрда ижод намуналари яратилмоқда. Бу жанрлар ўзининг анъанавий шаклини сақлагани ҳолда мазмунан кўпроқ диний ва инқилобий мавзуда ёзила бошланди. Тарихан мазкур жанрларнинг форс адабиётида пайдо бўлиши XI-XII асрларга бориб тақалади. Шеърий асарларнинг композицияси ва лексикаси принциплари қатъий тарзда белгиланган ва ўзгармас ҳисобланган. Бироқ шунга қарамай, жуда секинлик билан бўлса ҳам, турли омиллар сабабли бу жанрларга баъзи ўзгаришлар кириб кела бошлади. Мумтоз ва замонавий форс адабиётида ўз мавқеини бир қадар сақлаб қолган жанрлардан бири шубҳасиз қасида жанридир.

Қасида жанри форс мумтоз шеъриятида ўзига хос аҳамиятга эга жанр саналади. Ҳинд олими Шиблий Нуъмоний (1857-1917) "...Эрон шеърияти қасидадан бошланади....", – деб ёзди. Академик А. Мирзоев эса "X-XI асрлар форс-тожик адабиёти тарихида "қасида даври" аталади" деб таъкидлайди¹. Қасиданинг барча байтлари бир хил вазн ва қофияда келади. Биринчи байтнинг ҳар иккала мисраси қофияланади. Эронлик шоирлар қасидани араблардан ўзлаштирганлар. VI хижрий асрнинг бошидан охиригача, форс адабиётининг кўпчилиги қисмини қасида ташкил қилади. Бу қасидаларнинг мавзулари шохлар ва буюк кишилар мадҳи, байрам ва ғалабаларнинг муборакбоди ва гоҳида панд-насихатдан иборат бўлган.

Шарқ қасидалари мавзу ва тасвир объектига қараб бир неча туркумни ўз ичига олади. Булар асосан қуйидагилар:

1. Васфий қасидалар² (бахория¹, ҳолия², ишқия³, ҳамрия⁴).

¹ Бу ҳақда қаранг: Имомназаров М.С. X-XV асрлар форс мумтоз шеърияти. – Т., 2013. – Б.209.

² Носиров О., Жамолов С. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. – Т., 1979. – Б.128.

2. Мадҳ қасидалари ⁵ (мадҳия ⁶, фаҳрия, ҳамд, наът).

3. Қасидаи Марсия ⁷.

4. Қасидаи ҳажвия ёки қасидаи замм ⁸ (шоирлар ўзлари мактаган одамларнинг ғанимларини, ўз ҳарифларини қоралаб, ҳажв қилиб ёзилган қасидалар).

5. Қасидаи муножот ⁹ (булар худога қарата, унга илтижо қилиб ёзилган қасидалар. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Муножотнома”си бунинг яққол намунасидир).

6. Орифона ёки тасаввуфона қасидалар ¹⁰.

7. Ҳабсия.

Замонавий форс шеърятти борасида изла-нишлар олиб борган эронлик олим М. Рузбех қасида жанрида ижод қилаётган замонавий шоирлардан баъзилари, ҳатто модернистлар ҳам, бу жанр архетиктоникасига ривоят, мадҳ, диний, инкилобий, афсонавий мавзуларни ки-рита бошлаганлигини, мазмун ва маънони ян-гилашга эътибор қаратиб, қасиданинг баёни, шакли ва тўқимасига аҳамият бермаганликла-рини таъкидлаб ўтади ¹¹.

¹ Баҳор ва унинг манзаралари васфи келтирилган қасидалар. Устод Рудакийнинг «Модари май» (مادرىمى) қасидаси бунинг порлоқ намунаси бўла олади. У 94 байтдан иборат. Унинг 22 байти май тайёрлашга, 32 байти шоҳ базмини йиғишга, 40 байти шоҳ мадҳига ва шу йўл билан адолатли шоҳ, покиза ахлоқ ғояларини тарғиб этишга қаратилган.

² Шоир таржимаи ҳоли, замондан нолиш, замон нобоп-ликларидан шикоят каби мавзулардаги қасидалар. Бунинг порлоқ намунасини ҳам Рудакийнинг «شكایت از پیری» («Қариликдан шикоят») қасидасида кўриш мумкин.

³ Ишқий кечинмалар васфи.

⁴ Май, унинг сифатлари, ичиш қоидалари, кайфу нашидалари, шоҳона базмларга бағишланган қасидалар.

⁵ Носиров О., Жамолов С. Ўзбек классик шеърятти жанрлари. – Т. 1979. – Б. 129.

⁶ Бирор шахсга бағишланган, уни мактравчи, мадҳ этувчи қасидалардир. Форс адабиётида мадҳия подшоҳлар ва бошқа кишилар мактовига бағишлаб ёзилган.

⁷ Носиров О., Жамолов С. Ўзбек классик шеърятти жанрлари. – Т. 1979. – Б. 129.

⁸ Кўрсатилган асар. – Б. 128.

⁹ Кўрсатилган асар. – Б. 129.

¹⁰ Кўрсатилган асар. – Б. 129.

¹¹ Муҳаммад Ризо Рузбех. Ҳозирги замон Эрон ада-биёти. – Т., 2012. – Б. 70.

Машрутачилик асрида Малик уш-шуаро Баҳор (1266-1330 ш.) Хуросон услубидаги қа-сидаларга ижтимоий-сиёсий мазмун киритди ва қасидага қайтадан жон бағишлади. Маш-рутачилик даврида Адиб ул-мамолик Фарохо-ний (ваф. 1335 ш.), Адиб Нишобурий (ваф. 1344 қ.) ва бир неча бошқа шоирлар сиёсий-ижтимоий мавзудаги қасидалар куйладилар. Ҳозирги замон шоирларидан Меҳрдод Авесто (ваф. 1376 ш.) ва Меҳди Ахвони Солес (ваф. 1369 ш.), Муҳаммад Шохрухий, Мусавий Гар-морудийлар ҳам мана шу жанрда ўз қобилият-ларини синаб кўрдилар.

ای چون کویر ساده و چون کوه استوار
ای چون ستیزه محکم و چون غم بزرگوار.
چون حرمت شب رمضان، نزد حق، سترگ
چون روز رستخیز بلندات بی شمار.
چون خنده سپیده، لبث برکه ی بلور
چشمت ز خوف حق، چو دل چشمه اشکبار... ¹²

Маъноси:

Эй оддий биёбон, пурвиқор тоғлар,
Кучли ғзаб ҳамда катта мусибат!
Ҳақ наздида азиздир рамазон туни,
Ҳамда маҳшар куни топгандир хурмат.
Унда бўлсин лабинг табассумга бой
Кўзинг Ҳақдан кўркиб намлансин фақат.

Замонавий шеърятда давом этиб келаётган мумтоз жанрлардан яна бири ғазалдир. Бу жанр ҳам ўз илдизларини араб шеърятидан олгани барчага маълум. Шарқ адабиётида ғазал бадиий ижоднинг етук намуналаридан бири-дир. Араб мумтоз шеърятти, улардаги меъёр ва қоидалар, хусусан, араб поэтикасидаги илми аруз, илми қофия, илми бадеъ сингари уч асосий «таркиб» форсий ва туркий шеърятга ҳам кириб борди. Буучасосий поэтика таркиби форс тили хусусиятларига мослаша борди ва бу жараёнда анча ўзгаришларга учради.

Ғазалнинг асосий мавзуси ҳис-туйғулар баёни, маъшуқа гўзаллиги ва комиллигининг таъкиди ва замонадан шикоятдир. Ғазал жанри ўз таракқиёти давомида бир қанча

¹² علی موسوی گرمارودی. ای صبح صدق // محمد رضا روزبه. ادبیات معاصر ایران. تهران، پاییز، 1388. - ص. 324.

босқичларни босиб ўтди ва турли мазмуний ўзгаришларга учради. Куйида улардан айрим-ларига тўхталиб ўтамиз.

غزل عاشقانه (ошиқона ғазал). Бу ғазал тури энг кенг тарқалган. Унинг катта қисмида ёр ва унинг жамоли тасвири, унинг жафокорлиги, ҳақиқий ошиққа шафқатсизлиги, юсак муҳаббатга муносиб бўлмаган рақибга меҳрибонлиги, унга муҳаббат қўйганлиги, шунинг учун чин ошиқнинг алам ва рашқдан ёниши тасвирланади.

Ошиқона ғазалларда, одатда, уч анъанавий образ: ошиқ, маъшуқа, рақиб бўлиб, улардан ошиқ энг асосий образдир¹.

Анварий (ваф. 1187 ш., шу ўринда таъкидлаш жоизки, Анварий ижодидан 335 та ғазал ўрин олган) бу жанрга янгидан жон киритди ва Саъдий (ваф. 691 ш.) бу жанрни камолига етказди.

غزل عارفانه (орифона ғазал). Бу ғазал тури ошиқона ғазалдан кейин энг кўп тарқалган бўлиб, уларнинг етакчи мавзуси фалсафий масалалардир.

Форс адабиётида Санойй Ғазнавий (ваф. 525 ёки 535к.) орифона тушунчаларни ғазалга киритди ва орифона ғазалчиликни шакллантирди. Ундан сўнг Аттор Нишопурий (ваф. 618 к.), Мавлавий Балхий (ваф. 672к.), Фахруддин Ирокий (ваф. 688к.) орифона ғазалчиликни ривожлантириб такомилга етказдилар.

Қоришма ғазал. Ҳижрий VII ва VIII асрларда янги жараён вужудга келди. Ёнма-ён кечаётган ошиқона ва орифона ғазалнинг икки йўналиши бир-бирига қўшилди ва ошиқона ҳамда орифона мавзуларни ўзаро бирлаштирди. Авҳадий Мароғайй (ваф. 738к.), Хожуйи Кермоний (ваф. 753к.), Имод Фақиҳ (ваф. 773к.), Салмон Соважий (778к.)нинг ғазаллари ана шулардан бўлиб, бу турдаги ғазалнинг энг мукаммал намунаси Ҳофиз шеъриятида кўринади.

غزل قلندري (қаландарий ғазал). Бу турдаги ғазаллар дастлаб риндона номи билан юритилган. Унда шоир риндлик ёки ўзини майхўрлик-

ка, бепарволикка солиб, зоҳирпараст сўфийлар ва зоҳидларга таъна қилади ва ўзини маломатийлар қўйига солади, ҳеч кимса айтишга журъат қилолмайдиган эътирозлар ва ҳақиқатларни тап тортмай маст ёки ринд ёки ақлдан озган ё исёнкор тилидан баён қилади.

Форс адабиётида Санойй Ғазнавий (ваф. 525к.), Хоқоний (ваф. 582к.), Аттор Нишобурий (ваф. 618к.), Ирокий(ваф. 688к.), Саъдий (ваф. 691к.) ва Ҳофиз(ваф. 792к.) каби шоирларнинг асарларида қаландарий ғазалларни кўриш мумкин.

غزل موضوع (тематик ғазал). Бу турдаги ғазаллар хинд услубидаги ғазал номи билан машхур. Бундай ғазалларда шоир бор куч-ҳимматини янги ва нозик адоли мавзуларни топишга сарфлайди. Нозик лаҳзалар ва сахналарни илғаш ва ашёлар ўртасидаги ажиб алоқаларни кашф қилиш, бу ғазалларнинг ўзига хос хусусиятларидан бўлиб, Сафавийлар замонида (900-1200 х.) етарлича ривож топди. Бу услубнинг машхур намояндалари Сойиб Табризий (ваф. 1081 к.), Толиб Омулий (ваф. 1036к.), Калим Кошоний (ваф. 1061 к.) лардир.

غزل سياسي – وطني (сиёсий – ватаний ғазал). Бу ғазалнинг мазмуни қайноқ ижтимоий масалалардир. Ҳофиз ва Саъдийнинг баъзи шеърлари сиёсийдир, аммо шаффоф сиёсий-ижтимоий масалаларни ғазал қолипида ифодалаш маршрутчилик давридан сўнг расм бўлди. Замонавий давр шоирларидан Ориф Қазвиний (ваф. 1312 ш.), Фаррухий Йаздий (ваф. 1318 ш.), Абулқосим Лохутий (ваф. 1336 ш.), Ҳушанг Эбтоҳож (ваф. 1306 ш.) ва бошқалар мазкур турда ғазал битган шоирлардир.

غزل نو (янги ғазал). Ҳозирги даврда ғазалчиликда янги услуб юзага келдики, баъзилар уни тасвирий ғазал деб аташади. Бу турдаги ғазал “шеъри нав”(янги шеър) таъсирида вужудга келди. Бу ғазалнинг энг муҳим хусусиятлари унинг ҳозирги замон тили, янги тасвирларнинг кўплиги, арузий янгича вазнлар, мазмун бирлигидан иборат. Янги ғазалнинг ёрқин намуналарини Ҳушанг Эбтоҳож, Манучехр Нейстоний, Симин Беҳбеҳоний, Ҳусайн Манзавий, Муҳаммадали Баҳманий ва Баҳман Солиҳий асарларидан топиш мумкин.

¹ Носиров О., Жамолов С. Ўзбек классик шеърятини жанрлари. – Т.1979. – Б. 86.

Гул Һамаси (эпик (қахрамонлик) ғазали). Инқилоб давридаги ватан тупроғини, миллий ва диний қадриятларни ҳимоя қилишдаги довюраклик ва жасорат ва ошиқона жонбозлик руҳиясининг юксак чўққиси ғазалларда қахрамонлик оҳангида ўз аксини топди ва эпик ғазал номли янги жанрни вужудга келтирди. Бу тур ғазалда эпик жанрнинг лирик латофати ва мулойимлиги ва улуғворлик ва кескинлиги бир-бири билан қўшилиб келади.

Замонавий форс шеърлятида ғазал жанрида самарали ижод қилган ва бу жанр тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган Симин Бехбаҳоний, Қайсар Аминпур, Аббос Содикий, Насруллоҳ Мардоний, Шаҳриёр кабилар бу даврда бутунлай янги ғазал яратган машҳур шоир ва шоиралардир.

Адабиётшунос доктор Фаршидур замонавий ғазаллар ҳақида гапирар экан, уни қуйидаги турларга ажратади¹:

1. **Таълими ғазал** – бунда сиёсий ва танқидий масалалар тилга олинади. Бунга Ориф, Ишқий, Лоҳутий ва Парвинларнинг ижодини мисол келтириш мумкин.

2. **Анъанавий ғазал** - тили ва қурилиши жиҳатидан классик ғазалга ўхшаш бўлган ғазал.

3. **Аёллар ғазали** – аёлларнинг ҳис-туйғулари акс этган ғазал шакли. Сиймин Бехбаҳоний мазкур ғазал турининг етакчиларидан саналади.

4. Бутунги кунда ҳаммага тушунарли бўлган сўзлардан ва зарбулмасалдан фойдаланган ҳолда ёзилган ғазаллар. Лоҳутий ва Шаҳриёр ижоди бунга мисол бўлади.

5. **Ҳиндий ғазал** - бундай ғазалларга ҳиндий услубида ёзилган ғазалларни киритиш мумкин. Амирий Фирузкухий мазкур ғазал шаклининг намояндаларидан саналади.

6. **Янги ғазал** – ғазалнинг бир тури бўлиб, ҳам чиройли, ҳам рагон ёзилган, шу билан бирга янги мазмун, ниҳоятда гўзал ташбеҳ, тасвирлар ва таркиботларни кўради.

7. **Янги ҳиндий услубидаги ғазаллар.** Мазкур ғазал турининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда шоир ҳам

кўҳна, ҳам замонавий сўз, ибора ва истилоҳлардан фойдаланади.

8. **Маснавий ғазаллар** - янги шеър шаклдир. Бу шеър шакли ғазал ва маснавийнинг ўзаро боғланишидан ҳосил бўлган ва икки қисмга ажратилади, яъни шеър ёки ғазал ёки маснавий билан бошланади. Маснавий ғазалнинг замонавий ғазалсари шоирлар орасида ёйилиши жуда кўп кўзга ташланади. Айтиш мумкинки, ҳар ўн ғазалнавис шоирдан камида биттаси ўзининг маснавий ғазалига эга². Қуйида Шаҳриёрнинг ғазалларидан бирига диққат қаратамиз:

لبل عشقم و از آن گل خندان گویم
سخن از آن گل خندان به سخندان گویم
غزل آموز غزلانم و با نای شبان
غزل خود به غزلان غزلخوان گویم
شعر من شرح پریشانی زلف است شگفت
که پریشان گردم گر نه پریشان گویم

Маъноси:

Гули хандоннинг таърифин суҳандонга сўзлармен

Ғазалардин ўргатурман узун тунлар тиним билмай

Ғазалхоннинг ғазалига ғазалларимдин сўзлармен

Менинг шеърим паришон зулф

ҳайратидин эрур шарҳлар

Ки паришон бўлуб боз ҳам паришондин сўзлармен.

Мумтоз ва ҳозирги замон ғазал жанрининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларидан бири унинг қофияланишидадир. Маълумки, шеърлятда қофияланиш тартиби а-а, б-а, в-а, г-а.... Замонавий шеърлятда бу қоидага баъзида амал қилинса, баъзида эса амал қилинмайди:

با دل شکسته رفتم، رو به مشرق تبسم،
ناگهان رسیدم اینجا، صحبتان، به خیر، مردم
دیشب از شما چه پنهان، سر زدم به کوی مستان
گفتم السلام یا می گفتم یا خم
ساقی قدح به دستان، خنده زد به روی مستان
یعنی اجر می پرسد، پیش ما نمی شود گم....

¹ Интернет сайт: انواع غزلهای معاصر

² سفر در آینه . سال، ۱۳۸۷ . ص ۲۳۸ . عباسعلیوفایی



Маъноси:

*Яраланган қалб ила бордим табассумла
маириқ томон
Ногаҳон етдим шу ерга, хайрли тонг, сизга
халқ.
Кечаги кун сиздан нечун пинҳон, келдим
мисоли мастон,
Дедим ассалом ё дердим эгилиб.
Соқий қўлида қадаҳ, кулди мастоналарга
қараб*

Яъни ажр сўрарди, адашиб қолмаслик учун....

Замонавий шеърятда сақланиб қолган мумтоз жанрлардан яна бири маснавийдир. Маснавий шакли форс адабиётининг илк классик давридаёқ кенг қўлланила бошлади. «Калила ва Димна», Абушукур Балхийнинг «Офариннома» асарлари ва бошқаларда, ниҳоят, маснавий сўзи умуман эпик дoston маъносини касб этди.

Замонавий форс шеърятининг йирик намояндаларидан бири Муҳаммадхусайн Шаҳриёр маснавий жанрида жўшқин ижод қилган шоирлардан саналади. Улар қаторига Ҳушанг Ибтиҳож, Али Мусавий Гармородий, Ҳамид Сабзаворий, Ҳасан Ҳусайний кабиларни ҳам киритиш мумкин. Улар маснавийчиликда катта шуҳрат қозонмаган бўлсалар-да, диққатга сазовор маснавийлар яратганлар:

*وقت است تا برگ سفر بر باره بنديم
دل بر عبور از سد خار و خاره بنديم.
از هر کران بانگ رحیل آید به گوشم
بانگ از خروس بر خاست وای من خاموشم.
دریا دلان راه سفر در در پیش دارند
پا در رکاب راهوار خویش دارند...¹*

Маъноси:

*Вақт етди сафар азмин боз этайлик
Тиканзордин ўтмакни кўнгулда бор этайлик
Ҳар томондин қўлогимга етар сафар бонги
Ҳўроз бонги мени хомуи этти эшитайлик
Бу юраклар сафар азмин айламышлар
Йўлни танлаб узангига по узатмишлар... .*

Рубоий - фақат форс шеърятига хос бўлган жанр. Фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий фикрлар тугалланган тарзда мохирона баён этилади. Рубоийнинг жанри мавзу жиҳатдан кенг ва хилма-

хилдир. Шунингдек, унда фикрлар тугалланган, хулосавий фикрлар берилган бўлади.

Мумтоз форс адабиётида рубоийлар махсус вазнлар асосида ёзилган². Умар Хайёмнинг (1040-1123) куйидаги рубоийсини кўриб чиқамиз:

*در کوی نیاز هم دلی را در یاب
در کوی حضر مقلبی را در یاب
صد کعبه ی آب و گل بیکدل نرسد
کعبه چه روی برو دلی را در یاب*

Мазмуни:

Муҳтожлик куйида кўнгулни овла,

Юракка яқину маъқулни овла.

Бир дилча турмас юз лойхона Каъба,

Каъбада нима бор, бир дилни овла³.

Замонавий форс шеърятда ҳам вазн, ритм, қофия сақланиб қолган, аммо янги давр форс шеърятдаги рубоийнинг мумтоз давр форс шеърятдаги рубоийдан фарқи унинг мавзулар кўлами ва поэтик моҳиятидир.

*چشم به کران شب نگه می ساید
وین راه به غم در شده را می پاید
گویند که رفته بر نمی گردد باز
اما دل می تپد: او می آید.*

Мазмуни:

Кўзим тун пардасига қадалган,

Ва бу йўл пойлайди гамга ботишим.

Дерлар: кетган қайтиб келмагай,

Аммо юрагим дуқиллаб урар: келади, у⁴.

Мазкур рубоий қофияланиши ва ритми жиҳатдан анъанавий шеърятга ўхшаш, бироқ мавзу кўлами, поэтик моҳияти жиҳатидан фарқлидир. Хайём ўз рубоийсида инсоннинг диний ва маънавий оламини қаламга олган бўлса, Касроий ўзининг дунёвий оламини қуйлаган. Демак, анъанавий шеърят асосан диний томонга юзланган бўлса, замонавий шеърят дунёвий муаммоларни ўзида камраб олган.

Янги давр форс шеърятда жанрлар типологияси хусусидаги талқинларни кўриб чиқиш натижасида куйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Форс замонавий шеърят мумтоз шеърят билан узвий боғлиқ; ҳозирги замонавий

¹ حمید سبزواری. همپای جلودار. محمد رضا روزبه. ادبیات معار ایران. - تهران، پاییز، سال 1388. - ص. 330

² Арузда рубоийга махсус 24 вазн ишлаб чиқилган. Улар ҳазаж тармоғидан бўлиб, ҳар мисрада 4, байтда 8 рукн, яъни мусамман бўлмоғи шарт бўлган.

³ Шоислом Шомухамедов таржимаси.

⁴ Сиёвүш Касроий шеъри. Таржима муаллифники.



форс шеърятдаги мавжуд шеърӣ жанрлар ва шеърӣ шакллар мумтоз шеърят негизидан ўсиб чиққан. Ғазал, маснавий, қасида, рубоӣ шулар жумласидандир.

2. Мумтоз давр шеърятидан ўрин олган шеърӣ жанрлар даврлар ўтиши билан ўзгаришларга учраб, мумтоз шеърят қонун-қоидаларини бироз четлаб ўтиб янги шакл касб этди.

3. Қасида жанри XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларигача давом этди. Бу даврга келиб, қасида жанри ўзининг илгариги етакчиликл мавқеини бироз йўқотди. Янги типдаги насрий жанрларнинг кириб келиши, таржима адабиётининг кучайиши, XX асрнинг ўрталарида янги шеърнинг пайдо бўлиши мумтоз шеърӣ жанрлар таракқиётини бирмунча секинлаштирди.

4. Янги замон ғазаллари баён, шакл ва мазмун янгилиги билан бирга, айни пайтда, мумтоз шеърятга хос сўз ўйини (анаграмма), ҳамхарфлик, ҳамоҳанглик, боғлиқлик ва бошқа намуналарнинг бугунги тилда ишлатилгани билан характерлидир.

5. Анъанавий шеърят асосан диний, замонавий шеърят эса дунёвий муаммоларни ёритиши билан фарқланади.

Эрон шеърятининг асосини ташкил этган турфа жанрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади, балки янгича кўринишда адабиёт сахнасида пайдо бўлди. Замонавий форс шеърятда ижод қилган ҳамда қилаётган шоир ҳамда шоирлар турли мавзу, услуб ва йўналишларда ўз ижод намуналарини адабиёт аҳлига намоён қилмоқдалар.



ЖОМӢЙ ҒАЗАЛИЁТИДА АРАБ АЛИФБОСИДАГИ БАЪЗИ ҲАРФЛАРНИНГ МАЪНО ЖИЛОЛАРИ

МАЖИТОВА САБОҲАТ

Ўқитувчи, СамДУ

Аннотация. Ушбу мақолада форс-тоҷик мумтоз адабиётининг йирик вакили Абдурахмон Жомӣй ғазалиёти мисолида араб алифбосидаги айрим ҳарфларнинг поэтик маъно ва образ яратишидаги ўрни ҳақида фикр юритилади. Адабий матнлар таҳлили асосида шоирнинг ҳарфлардан фойдаланишидаги юксак истеъдоди ёритилади.

Таянч сўз ва иборалар: хат, графема, алифбо, араб ҳарфлари, назм тили, маъно ва маъно яратиши, ҳарф санъати, ҳуруфийлик, шакл ва мазмун.

Аннотация. В настоящей статье речь идет о роли букв арабского алфавита в создании поэтического значения и образа в творчестве представителя классической персидско-таджикской литературы Абдурахмана Джами. Освещается мастерство поэта в использовании букв на основе анализа литературных текстов.

Опорные слова и выражения: письменность, графема, алфавит, арабские буквы, язык поэзии, значение и создание значения, ҳуруфизм, форма и смысл.

Abstract: In this article it is discussed the importance of some Arabic letters in the creation of poetic meanings and images on the example of gazelles of Abdurahman Jami, the great representative of Persian-Tajik classical literature. It has been interpreted the high talent of letters used by the poet on the basis of analysis of the literary texts.

Keywords and expressions: letter, grapheme, alphabet, poetry language, meaning, arabic letters meaning, and meaning creation, art of letter hurufism, form and meaning.

Бадиӣ ижод аҳлининг шеърӣ ва насрий асарларида сўз, ибора ва жумлалар каторида товуш, бўғин ва урғу сингари фонетик бирликлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, сўзлар воситасида бирикма ва жумлалар ҳосил қилиниб, фикр ифодаланади, бироқ бу жараёнда фонетик бирликлар бўлмиш товуш, бўғин ва урғунинг аҳамияти қай даражада?